

Ақолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришда чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

1. Қорамолларни тўйимли, витаминли озукалар билан боқишда рационига витамин ва оксилга бой бар-дани қўшиб бериш зарур. Шунда қорамоллар иштаҳа-сини очиб ҳазм системасини тиклайди ва сути кўпая-ДИ.

2. Молларни ўз вақтида ветеринария кўригидан ўтказиш зарур.

3. Молхоналарни ва моллар яйраб юрадиган жой-ларни гўнгдан тозалаш ва уни биотермик зарарланган-ришни уюштириш.

4. Фермага, умуман молхонага кириш жойларида дезобарьер ва дезаматларни ташкил этиш.

5. Чорва моллари касалликлари олдини олиш учун дезинфекция, дератизация ишларини ўтказиш.

6. Яйратиш майдонларини мунтазам гўнгдан тозалаш, моллар туёқ ораларига нам гўнг тўпланишига йўл қуймаслик зарур.

Чорвачиликка ихтисослашган фермер ва шир-кава ветеринария пунктларини ветеринария препаратлари билан хўжалиги мутахассслари қиш фослида к.уйи-даги чорва ветеринария биопре-паратлари, вакцина, кон зардоблари, тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор бериш зарур. Дезинфектант-лар ва антгельминтиклар билан) тўлиқ таъминлаш чо-раларини кўриш лозим.

- молхона, қўйхона ва парравдалар турадиган жой-лару кўпайтириш ҳамда турли касалликлардан асраш учун гематопиноз, бовиколёз, саркоптоз, псороптоз, рипицефалёз кўйидаги тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:

касалликлари кўзгатувчиларига қарши инсектоакарицид препаратлари яъни маҳаллий ципер-метрининг 25 фоизли концентрат эмульсиясидан тайёрланган 0,015-0,02% ли ишчи эмульсия билан дезинсекция ва дезакаризация қилиш лозим;

- бўғоз сигир ва қўйлар колибактериоз, сальмонеллёз ва пастереллёз касалликларига қарши кечиктирил-масдан тегишли вакциналар билан йўриқномага асо-сан (биринчи



марта 2 мл, иккинчи марта 3 мл дан қўйлар ва биринчи марта 3 мл, иккинчи марта 5 мл дан қора-моллар (14 кун оралиги билан такроран) тери остита эмлаш зарур;

- ўта хавфли браздот ва энтеротоксемия касалликлари олдини олиш учун қўйлар 1 мл да мускул орасига вакцина билан эмланиши мақсадга мувофиқ;

■ қорамолларнинг фасциол-лёз ва дикроцелиоз касаллик-ларининг олдини олиш ва да-волаш учун альбендазол, аль

бен каби антителин-тиклар билан йўриқномага асо-сан қўлланилади.

Хайвонларни ўз вақтида тўғри ва сифатли озикдан-тириш, ветеринария кўригидан яъни диспансериза-цияни тўлиқ ва атрофлича, клиник куриқдан ўтказиш, касал молни ўз вақтида ажратиш, гўнгни чиқариш ва зарарсизлантириш, молхоналарни дезинфекция, дератизация қилиш, молхоналар зоогигиеник талабларга жавоб беришини назорат қилиш, яйлов-ларни кўриқдан ўтказиш, моцион ва озика баъзасини яхшилаш, сунъий қочирини ишларини яхшилаш, ҳар кварталда диагностик текширишлар режасини тузиш, молбоқарларни махсус кийим-кечак, пойафзал ва шахсий гигиена предметлари билан таъминлаш каби ишларни олиб бориш зарур. Биринчи ёрдам кўрсатиш мақсадида жойлардаги

Чорвачилик комплексларидаги қорамолларни сақ-лаш, кўпайтириш ҳамда турли касалликлардан асраш учун кўйидаги тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:

7. Туёқлари касалланган хай-вонларни тирик вазнига қараб гентамицин ёки окситетрацик-

"I лин антибиотики билан мускул орасига 100 кг тирик вазнига 5 млдан инеёқция қилиш, туёқларни 1:500 нис-батдаги фурацилин эритмаси билан эрталаб ва кечқурун ювиб туришни ташкил этиш лозим.

8. Соғлом қорамоллар сақ-ланадиган жойларни 5%

формалин эритмаси билан дезинфекция қилиб, имконият да-

ражасида тагини қуруқ сақлаш, соғинга олиб кириш ва олиб чиқишда ишчилар молларнинг туёқларини зарарланишдан сақлаш чораларини кўриши зарур.

9. Туғилган бузоқларни алоҳида ажратиш ва уларни 4 ой давомида она сути билан, 2 ой давомида эса она сутидан тайёрланган абрат ичириш мақсадга мувофиқ.

Хориждан келтирилган молларни соғлом сақдаш, улардан олинадиган маҳсулотлар миқдорини ошириш учун тўғри парваришлаш, сифатли зооветеринария хизматларини ташкил этиш лозим.

Зоогигиеник талабларга мос молхона ва яйратиш майдонлари тайёрланиши, уларнинг атрофи деворлар билан ўралиб, кириш жойларида дезобарьерлар ўрнатилиши лозим.

Юқоридаги тадбирларни вақтида ва сифатли ўтказишга эътибор берилган жойда чорва моллари касалликлари олди олинади. Бу эса йил давомида аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имконини беради.

Ш.ДЖАББАРОВ, вет.фан.номзоди

Б.ЭЛМУРОДОВ, вет.фан.доктори

(Ветеринария илмий-тадқиқот институти)